



MODERN SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

ISSUE 6

JANUARY 2019

International Scientific Journal

Modern Scientific Research Journal is an international journal publishing original research papers in all fields of science. The journal is peer-reviewed and published quarterly. It aims to promote scientific research and disseminate knowledge across various disciplines. The journal covers a wide range of topics, including but not limited to, Physics, Chemistry, Mathematics, Engineering, Medicine, Psychology, and Social Sciences. All articles undergo a rigorous peer review process to ensure the quality and relevance of the research presented. The journal is committed to providing a platform for scientists and researchers from around the world to share their findings and contribute to the advancement of knowledge in their respective fields.

LONDON, UNITED KINGDOM
Scientific Publishers "iScience"

«MODERN SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL»

SCIENCECENTRUM.PL

ISSUE 6

ISBN 978-1-9997898-5-5

Адизова О.
(Бухара, Узбекистан)

БИОГРАФИК МЕТОДНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
СЕНТ БЬЁВ ИЖОДИННИНГ ЎРНИ

Мақолада адабиётшунослиқда биографик методнинг шаклланиши ва унинг тараққиёти ёритилган. Адабиётшунос Сент Бьёвнинг ижодий фаолияти таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар:жаҳон адабиётшунослиги, биографик усул, ёзувчи биографияси, машҳур шахслар, тадқиқот, бадиий асар, ижодкор шахси, тарихий тараққиёт.

DIE BEDEUTUNG DES SCHAFFENS VON SENT BEUV BEI
DER ENTSTEHUNG DER BIOGRAPHISCHEN METHODE.

In diesem Artikel handelt es sich um die Entstehung und Entwicklung der biographischen Methode in der Literaturwissenschaft. Es wurde insbesondere die literarische Tätigkeit von Sent Beuv in Betracht gezogen.

Stichwörter: die Weltliteratur, biographische Method, die Biographie des Schriftstellers, berühmte Persönlichkeiten, die Forschung, das literarische Werk, die Persönlichkeit des Schaffenden, historische Entwicklung

Адабиётда поэтика тарихининг юксалиши инсон ва асар формуласининг вужудга келишини ҳам таъминлади. Қолаверса, тарихий танқидчилик тажрибалари ижодкорларнинг ҳаётига тарихий ёндашувни талаб эта бошлади. Агар бирор-бир бадиий асар бўйича олиб борилган тадқиқотнинг ичida ижодкорнинг ҳаёти ҳақидаги баёнлар берилса, шу ижодкор яратган асарни тезда ўзлаштириш, унинг мазмунини осон ва аниқ англашда табиийлик туғдириши аниқлаша борди.

Маълумки, биографик услубдан фойдаланиш тажрибаси баъзан ўшига учраса, баъзан таназзулга юз тутди. Адабиётшунослиқда шу каби ўзгаришларни бошидан кечирган биографик тадқиқ усули ҳал этилиши лозим бўлган бирор жиддий адабий муаммони тарихан тўғри,adolatli echišda muҳim aҳamiyat kасб этиши боис ўз ўрнини ўйқотмай келаётir. Чунки у орқали ёзувчиларнинг сирли ўтмиши аёнлашади. Улар яратган асарларнинг жанрий, ғоявий хусусиятлари янада ёрқинлашади. Биографик метод ўтмиш адабий ҳаёт босқичларининг хусусиятларини маълум бир тарихий хотиранинг фикрлаш фаолиятимизда намоён бўлишига замин яратади.

Биламизки, "ёзувчи биографияси" деган тушунча машҳур шахсларнинг ҳаётини баён этувчи жанр сифатида Антик адабиётда вужудга келди. Умуман олганда, ёзувчи ҳам машҳур тарихий-сиёсий шахслардан фарқ қилмайди, чунки у ўз асарлари туфайли абадий яшайди. Бу борада яна у ақл-идрок соҳиблари бўлмиш олим ва файласуфлар билан бир мақомда туради. Шунинг учун ёзувчиларнинг шахс ва ижодкор сифатидаги хусусиятларини, уларнинг шоир ё адид сифатида шаклланишига туртки бўлган омилларни, яратган асарларида ўз-ўзини оддий инсон кўринишида намоён эта олиш истеъдодини

«MODERN SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL»

SCIENCECENTRUM.PL

ISSUE 6

ISBN 978-1-9997898-5-5

ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Мана шу маънода ёзувчи биографияси жанри пайдо бўлиб, асрлар мобайнида такомиллашиб борди. Бу вақт мобайнида "ёзувчиларнинг биографиясини баён этиш санъат даражасига кўтарилиши лозим эмас", деган парадокс (зид фикр)лар ҳам бўлди. Ҳатто танқидчиликнинг нигоҳи шундай аниқ мўлжалга қаратилди. Биографик метод ёзувчи эмас, тадқиқотчи-олим иш юритадиган йўл, усулдир. Аникроқ айтганда, у бадиий ижод қилиш йўли эмас, балки яратилган бадиий асарни ўрганиш йўлидир. Шунинг учун орқали бадиий асар яратган муаллифларнинг ҳаёти, биографиясига оид муҳим маълумотлар маҳсус ҳикоялар кўринишида эмас, балки ўша муаллифга алоқадор асарлардаги айрим сўз, жумла, факт орқали тадқиқотчилар томонидан аниқланиб, таништирилади.

Жаҳон адабиётшунослик тарихида адабиётнинг узоқ ўтмишидан сўзловчи, мумтоз асрларда яратилган "Институт", "Қайдлар (Кўлёзмалар)", "Адабиёт академиясининг хотиралари" каби мажмуа-китобларда номи ўчид бораётган академикларнинг ҳаёти ва асарлари батафсил тафсилотларда қайд этиб борилганлиги, уларда муаллифлар ҳаётининг шу кунга қадар эътироф этилмаган баъзи жиҳатлари ёритилганлиги биографик метод шаклланишининг тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, яна бу борада "Француз кутубхоналари" номини олган шундай манбалар алоҳида дикқатни тортади. Уларда муаллиф шахси гарчи бадиий феномен сифатида қаралмаган, умумий контекст тизими қоидалари асосида тартибга солинган, гёё "ҳаётлар" коллекциясини тақдим этаётгандек эса-да, ижодкор шахсига биографик метод асосида ёндашиш тажрибаси бойишига олиб келгани шубҳасиз.

XIX асрнинг биринчи ярми француз илмий-адабий муҳитида бадиий ижод намунасини биографик метод асосида ўрганиш сари дадил қадам ташланди. Аникроғи, Сент-Бёв ижодкорга ва у яратган асарга, албатта, оиласиий муҳити, ижтимоий шароити ва ҳолати, яқинлари билан муносабати, атроф-муҳити, диний қарашлари, табиатга муносабати, шахсий ютуқ ва камчиликлари, оқиз томонлари, касаллиги, орзу-интилишлари ва бошқалар таъсир кўрсатишини ўз тадқиқотлари орқали асослаб берди. Натижада олимнинг бу борадаги қарашлари акс этган "XVI аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори" (1828), "Адабий портретлар" (1836-1839), "Душанба кунларидағи сұхбатлар" (1851-1862), "Янги душанба кунлари" (1863-1870), "Империя даврида Шатобриан ва унинг адабий гуруҳи" (1861) китоблари кўпчилик эътиборига тушди. Шу асосда Сент-Бёв биографик методнинг назарий асосчиси сифатида тан олинди. Бироқ бу тадқиқ усулининг илдизлари жуда қадимга бориб тақалади. Адабиётшунослик илмида азалдан биографик методга хос хусусиятлардан фойдаланиб келинган.

Маълумотларга қараганда, Шарль Сент-Бёв 1821 иили Бурбон номидаги коллежда таълим олган вақтида фалсафа ўқитувчиси Дамироннинг "Ҳар қандай ижод намунаси муаллиф шахсияти билан бир бутунликда ўрганилиши лозим" деган фикри эътиборини тортган. Дамироннинг бундай фикрга келишига "Француз фалсафаси тарихи" китоби асос яратган. Шу-шу, бу китоб талаба Шарлнинг ҳам энг сезимли китобига айланган. Коллежда ва кейинги таълим жараёнларида табиат, физиология, химия, медицина, мантиқ, тил ва адабиёт илмларини мукаммал ўрганган Сент-Бёв учун Дамирон фикрлари умри ва ижодий фаолияти давомида таянч концепция бўлиб қолади.

«MODERN SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL»

SCIENCECENTRUM.PL

ISSUE 6

ISBN 978-1-9997898-5-5

Сент-Бёв ҳар қандай тарихий давр силсиласида муайян ижодкорнинг ўрнига ургу берди. Унинг маълум бир давр адабиёти ёки унинг алоҳида бир тури (ё шеърият, ё наср, ё драматургия каби) тарихий тараққиётида индивидуал ўрин эгаллашини асослади. Олим бундай тарихий-бадиий муаммолар талқинида ўзига хос индивидуал таҳлил тамойилига таяниб иш юритди. Замонасиниг ўткир адабий танқидчиси Сент-Бёв ўзининг талаб ва қоидалари билан биографик методни адабиётшунослиқда санъат даражасига кўтарди. Бу метод Сент-Бёв фаолиятининг ажralмас қисмига айланниб, бошқа танқидчилар фаолиятига ҳам катта таъсир кўрсатди. У муаллиф биографиясидаги майда-чуйда элементларигача синчковлик билан ўрганиш – генеология, оилавий муҳити, маълумоти, ташки кўриниши, севги ва муҳаббат муносабатлари, иқтисодий аҳволи, руҳий табииатини батафсил кўрсатиб беришини тарғиб қилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Antoine Pevi de la Grange. *Histoire littéraire de la France*. V.1. – Paris: Imprimerie Nationale, 1733.
2. Beuve S. *Tableau historique et critique de la poésie française et du théâtre français au XVI e siècle*. V.2. – Paris, Ressouvenances, 1828. – P. 52.
3. Beuve S. *Portraits littéraires*. V.3. – Paris: Nouvelle édition djvu, 1844. – P. 201.

«MODERN SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL»

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 5 ISBN 978-1-9997898-5-5

Камалова Д. О. (Бухара, Узбекистан)	
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АЛИШЕРА НАВОИ.....	101
Камалова Дилфуза Обидовна (Бухара, Узбекистан)	
ЛИЧНОСТЬ И ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЕ СПОСОБНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ ВЫСШЕЙ ШКОЛЫ.....	104
Сайдова Сайёра Ёрикуловна (Бухара, Узбекистан)	
ТРАДИЦИОННЫЕ И КОМПЬЮТЕРНЫЕ СРЕДСТВА ОБУЧЕНИЯ.....	107
Сайдова Сайёра Ёрикуловна (Бухара, Узбекистан)	
ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ В ВУЗЕ.....	111

SECTION: PHILOLOGY AND LINGUISTICS

Abulova Zulfiya Zaripovna, Begimova Umida Norqulovna (Bukhara, Uzbekistan)	
PROBLEMS OF TURKISTAN HISTORY IN THE PERIODICAL PUBLICATIONS OF SADRIDDIN AYNI.....	114
Axmedov G'. (Buxoro, O'zbekiston)	
YOHAN VOLFGANG GYOTE – NEMIS ADABIYOTINING BUYUK NAMOYONDASI.....	120
Ra'no Ergashova (Qarshi, O'zbekiston)	
AVIATSIYA SOHASIGA OID TERMINLARNING LISONIY PARADIGMADA TUTGAN O'RNI VA TASNIFI.....	125
Kayumova N. M. (Bukhara, Uzbekistan)	
PECULIARITIES OF TEACHING ENGLISH IN ESP CLASSES.....	128
Madaminova Kunduz Alimbayevna, Xudaybergenova Gulbaxor Shuxrat qizi (Urgench, Uzbekistan)	
WHY IS LANGUAGE TRANSLATION IMPORTANT?.....	131
Ochilova N. U. (Bukhara, Uzbekistan)	
DIFFERENCES OF BRITISH AND AMERICAN ENGLISH.....	134
Otadjonova Iroda, Atadjonova Nodira (Urgench, Uzbekistan)	
THE IMPORTANCE OF CHOOSING THE RIGHT TEXT IN ENGLISH CLASSROOM.....	137
Safarova Xurshida Salimovna (Bukhara, Uzbekistan)	
LITERARY PSYCHOLOGISM IN THE PLOT OF NOVELS.....	141
Unusova Ganjina Rustamovna (Bukhara, Uzbekistan)	
ROLE PLAYING AS THE BEST METHOD OF TEACHING LANGUAGE....	149
Xudoyev S. S. (Buxoro, O'zbekiston)	
Y.V. GYOTENING "YOSH VERTERNING IZTIROBLARI" ROMANI TARJIMASI VA POETIK MAHORAT.....	160
Адизова О. (Бухара, Узбекистан)	
БИОГРАФИК МЕТОДНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА СЕНТ БЬЁВ ИЖОДИНинг ЎРНИ.....	164
Жаббарова Малоҳат Хошимовна (Бухара, Узбекистан)	
INTONATSIYA TA'RIFI, UNING TARKIBIY QISMLARI VA FUNKSIYALARI	167
Икромова Лола Болтаевна (Бухара, Узбекистан)	
ТАРЖИМАДА ЁЗУВЧИ УСЛУБИНИ САҚПАШ МУАММОЛАРИ.....	170